

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 19 сентябрь, № 183 (6366) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни, моҳияти ва аҳамиятини, халқимизга мансуб меҳр-оқибат, шукроналик ва бағрикенглик рамзи эканини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни асраш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 24 сентябрь пайшанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2015 йил 24 сентябрь мамлакатимизда дам олиш куни деб белгилансин ва байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идоралар, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 18 сентябрь

# ЗАМОНАВИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

## мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда



**Юртимизда қад ростлаётган замонавий бино ва иншоотлар нафақат маҳобати, балки меъморий ечими, мустаҳкамлиги билан эътиборни тортади. Бу, албатта, бунёдкорлик жараёнида юқори сифатли қурилиш ашёлари қўлланилаётгани самарасидир.**

**Дарҳақиқат, бугунги кунда қурилиш материаллари саноати иқтисодиётимизнинг истиқболли соҳаларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган инновацион лойиҳалар ана шундай натижаларнинг қўлга киритилишига замин яратмоқда.**



Бундан бир ярим йил муқаддам Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли Жиззах цемент заводи фойдаланишга топширилгач, юртимиз қурилиш материаллари саноатида янги саҳифа очилди. Гап шундаки, бу ерда Марказий Осиёда биринчи бўлиб оқ цемент ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, бунёдкорлик ишларида, пардозлаш ва безашда, керамик маҳсулот тайёрлашда кенг қўлланиладиган оқ цемент дунёнинг саноқли давлатларида ишлаб чиқарилади. Унга бўлган талаб эса ниҳоятда

**МОДЕРНИЗАЦИЯ**

юқори. Шу маънода, республикамиз нафақат оқ цемент ишлаб чиқарувчи, балки уни экспорт қилувчи давлатлар қаторига қўшилгани диққатга сазовор.

Корхонада маҳсулот тайёрлаш ҳажми ички ва ташқи бозор талаби асосида узлуксиз кўпаймоқда. Хусусан, жорий йилнинг 8 ойи давомида республикамизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига 310 минг 991 тонна портланд цемент, 2 минг 295 тонна оқ цемент етказиб берилган бўлса, чет эллик буюртмачиларга 1991 тонна портланд цемент, 4514 тонна оқ цемент сотилди.

(Давоми 2-бетда).

Жиззах вилоятида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар туфайли унинг саноат салоҳияти юксалмоқда. Бугунги кунда бу ерда **1628 та** саноат корхонаси фаолият кўрсатаётгани, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида уларнинг сони қарийб 100 тага ортгани бунинг яққол далилидир.

# Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ривожининг муҳим кафолати

*Мамлакатимизда аҳолининг кенг қатламини, айниқса, ўсиб келаётган ўғил-қизларни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, мазкур соҳани изчил ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилган.*

**ҚОНУН КУЧГА КИРДИ**

Замонавий спорт инфратузилмаси барпо этилиб, шаҳару қишлоқларда халқаро андозаларга мос спорт иншоотлари фойдаланишга топширилиши, ёшлар ўртасида уч босқичли спорт ўйинларининг муваффақиятли ўтказиб келинаётгани ўз самарасини бермоқда.

Бугунги кунда республика бўйича 50 мингдан зиёд спорт иншоотлари фаолият кўрсатаяпти. Жумладан, 270 дан зиёд сузиш ҳавзаси, 40 мингта спорт майдони ва майдончалари, 10 мингга яқин спорт заллари ҳамда бошқа турдаги спорт объектлари мингглаб ғайратли, иқтидорли ёшларни ўз бағрига олган. Мазкур спорт иншоотларининг зарур инвентарлар ва малакали мураббийлар билан таъминлангани улардан фойдаланиш самарадорлигини оширмоқда. Айни чоғда юртимизда 2 миллиондан зиёд болалар спортнинг 30 тури билан мунтазам шуғулланаётир.

Эътироф этиш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2002 йилда тузилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ёш авлод ўртасида спортни оммалаштиришда муҳим ўрин тутаяпти. Ўтган даврда ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 1 минг 701 спорт объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар натижасини мамлакатимизнинг энг олис қишлоқларида қад ростлаган муҳташам спорт мажмуаларида ҳам кўриш мумкин. Ёш иқтидор эгаларини аниқланиб, уларга нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида иштирок этиши учун барча шарт-шароит яратиб берилаётгани, қизлар ва аёлларнинг спортга бўлган қизиқиши, интилиши кучайиб бораётгани ниҳоятда қувонарли. Айниқса, спортнинг бадиий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис ҳамда бошқа турлари билан доимий равишда шуғулланаётган қизлар сафи кенгайиб бораётир. Масалан, бадиий гимнастика бўйича маҳорат сирларини эгаллаётган қизлар 2003 йилда 1 минг 700 нафарни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб уларнинг сони 60 мингтага етди.

Шунинг баробарида мамлакатда спорт кийимлари ва анжомларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Жисмоний тарбия ҳамда спортни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилишга ҳам эътибор кучайтирилди. Жумладан, 2004 йил 1 январдан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида "Спорт" телеканали фаолият кўрсатиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# ШҲТ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*Тошкент шаҳрида 2015 йил 18 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг йигирма еттинчи мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШҲТ МАТТ Кенгашининг аввал қабул қилинган қарорлари бажариш бўйича ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг фаолияти маъқулланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси ва ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари чегара хизматлари экспертлар гуруҳининг 2016 йилга мўлжалланган иш режалари тасдиқланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари биргаликда ўтказган "Марказий Осиё-Аксилтеррор — 2015" аксилтеррор машғулотлари якунларига юқори баҳо берилди.

ШҲТ МАТТ фаолиятини ривожлантириш ва ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўшган шахсий ҳиссаси учун мазкур давлатлар ваколатли органларининг қатор ходимлари ва ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитасининг масъул ходимлари ШҲТ МАТТ Кенгашининг ёрлиғи билан тақдирланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятини ташкилий ва кадрлар билан таъминлаш, ШҲТга аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш доир масалалар юзасидан ҳам қатор қарорлар қабул қилинди.

ШҲТ МАТТ Кенгашига раислик Ўзбекистон Республикасидан Қозоғистон Республикасига ўтди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш муддати ва жойи келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик, амалий мулоқот ва дўстона руҳда ўтди.

**ЎзА.**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси "Адолат" социал демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси билан ҳамкорликда "Оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш" мавзуда давра суҳбати ўтказди.*

# Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — долзарб вазифа

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, соҳага тегишли марказлар ва жамғармаларнинг масъул раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилгани, бу борада кенг кўламли ишлар босқичма-босқич амалга оширилаётгани таъкидланди. Чунончи, ўтган давр мобайнида соҳага доир 14 та қонун ҳужжати ҳаётга татбиқ этилди, улардан бир қанчасига замон талабидан келиб чиқиб, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Давлатимиз раҳбарининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тармоқни ислоҳ қилишга қаратилган 100 дан зиёд Фармон ва қарорлари бугунги кунда аҳоли саломатлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## «ICTWEEK UZBEKISTAN — 2015»

*"ICTWEEK UZBEKISTAN — 2015" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги якунланди.*

# Интерфаол тақдимотлар, қизғин мулоқотлар

Мазкур йирик анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Айтиш жоизки, ҳафталик дастуридан ўрин олган тадбирлар қамрови кенглиги, мавзуларнинг рангбаранги билан ажралиб турди. Жумладан, унинг доирасида АКТ бўйича миллий форум, халқаро саммит, конференция ва давра суҳбатлари, семинарлар, "Best Soft Challenge" ва "Intellect2All" танловлари ғолибларини тақдирлаш маросимлари, компьютер ўйинлари бўйича "Uzbekistan Cyber Games" кубоги беллашувлари, "Gadget Fair" — телефон, смартфон ва планшетлар кўргазмаси ўтказилди.

(Давоми 3-бетда).

# Олий суд Пленуми мажлиси

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ҳамда унга тенглаштирилган судлар раислари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Олий суд раиси Ш. Ғазиев бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга хизмат қилмоқда. Пировардида эса фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ортиб, жамиятда адолат барқарорлиги таъминлаб келинаётир.

Мажлис муҳокамасига киритилган "Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги, "Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ўтиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳалари ҳам инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борадаги қонун ҳужжатларини бир хилда ҳамда тўғри қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантиришга қаратилган билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

# Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — долзарб вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давра суҳбатида мамлакатимизнинг барча ҳудудида ташкил этилган ихтисослаштирилган тиббиёт масканлари фаолиятига тўхталиб ўтилди. Қайд этилганидек, мазкур тиббиёт муассасаларининг касалхоналардан фарқи шундаки, уларда ирсий хасталиклар билан туғилиш, ногиронлик ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болаларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилган. Перинатал марказларида эса ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлигини асрашга катта эътибор қаратилиб, ҳомиладорлик даврида муайян бир хасталик билан оғриган, муддатидан аввал туғуруқ хавфи мавжуд бўлган оналар ҳамда эрта туғилган чақалоқлар парваришланмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиздаги скрининг марказлари томонидан олиб борилаётган ишлар натижасида гўдакларнинг нуқсон билан туғилиши ҳолатларининг олди олинаяпти.

Президентимиз қарори билан тасдиқланган 2014 — 2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Бинобарин, унда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимининг барча босқичида оналар, болалар, ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлардан кенг ва бир хил фойдаланишни таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичида, айниқса, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғин муассасаларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида аниқ чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, унинг ижроси изчил бажарилаётир.

— Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини янада такомиллаштириш, ёшларда соғлом оила қуриш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш кўникмаларини кучайтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади, — дейди парламент қуйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Козим Тожиев. — Албатта, бунда ушбу соҳадаги қонунлар ижросини таъминлаш, айримларини такомиллаштириш, фуқароларнинг тиббий маданиятини янада юксалтириш муҳим ўрин тутади. Тадбирда бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг бажарилишини назорат қилиш муҳимлигига урғу берилиб, бу мазкур йўналишдаги ишларни янада ривожлантиришда долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди.

Тадбирда, шунингдек, иштирокчилар соҳада учраётган айрим камчилик ва муаммолар, уларнинг ечимлари хусусида ҳам атрофлича сўз юритишди. Депутатлар ушбу муаммоларнинг олдини олиш учун оилавий поликлиникалар, ҚВП, скрининг ва перинатал марказлари, туғуруқхоналарда болаларни кўкрак сути билан озиқлантиришнинг афзалликлари ҳамда камқонлик ва йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишга доир тарғибот, кўргазмали воситаларни янада кўпайтириш, бу борадаги тарғибот ишларининг замонавий услубларидан кенг фойдаланиш бўйича ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Якунда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ривожининг муҳим кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш, йирик мусобақаларда спортчиларимиз эришаётган ютуқларни изчил ёритиш қамрови кенгаймоқда.

2009 йилдан бошлаб Ўзбекистон спортчиларини олимпия ўйинларига тайёрлаш бўйича махсус дастурлар қабул қилина бошлангани жаҳон спорти соҳасида юқори натижаларни қўлга киритиш мақсади сари қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Дарҳақиқат, бугун юртимиз ёш спортчиларининг нуфузли халқаро мусобақаларда эришаётган ғалабалари мутаносиб равишда кўпайиб бормоқда. Биргина ўтган йили вакилларимиз халқаро ареналарда 849 та медаль, шу жумладан, 266 та олтин медални қўлга киритгани бунинг тасдиғидир.

Таъкидлаш керакки, жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонунчилик базаси инвентаризация қилинганда, соҳада айрим бўшлиқлар мавжудлиги аниқланди. Ўтган йиллар мобайнида амалда бўлган қонунда асосий тушунчалар, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси фаолиятини ташкил этиш, миллий спорт турлари ва ўйинлари, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт ривожининг давлат томонидан кафолатланишини қонуний мустаҳкамлаш билан боғлиқ жиҳатлар етарли тарзда тартибга солинмагани ойдинлашди. Қисқача айтганда, давр талабларига ҳамоҳанг равишда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келган эди.

Шу нуқтаи назардан, янги таҳрирда қабул қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунда ушбу соҳадаги асосий тушунчаларнинг таърифи, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари ҳамда аҳолини жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб қилишга доир нормалар, жисмоний тарбия ва спортнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларни шакллантириш ва фаолиятини тартибга солиш, жисмоний тарбия ва спортнинг таълим, соғлиқни сақлаш тизимларида, аҳолининг иш жойи, дам олиш масканларида ҳамда таълим муассасаларида ташкил қилиниши ва ногиронлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш каби масалалар ўзининг аниқ ифодасини топган. Мазкур Қонун мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра жуда долзарб ҳисобланади.

Қонунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ушбу соҳанинг давлат томонидан тартибга солиниши, бу борада тегишли вазирликларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда корхоналар, муассаса ва ташкилотларнинг иштирок этиши билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Қонун аҳоли, аввало, ёшлар ва хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини яратиш, спорт инфратузилмаси самарадорлигини ошириш, юқори тоифали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлашга доир қоидаларни ҳам қамраб олган. Шу билан бирга, унда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Оммавий спорт тадбирлари ва мусобақаларини ўтказиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, спорт иншоотларининг замон талабларига жавоб беришини таъминлаш, уларни сифатли спорт анжомлари ва воситалари билан жиҳозлашга қаратилган нормалар киритилган.

Янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини тиклаш, ривожлантириш ва уларни халқаро спорт аренасига олиб чиқиш каби вазифаларнинг рўёбига имкон яратади. Ушбу ҳужжатда спорт оламидаги энг долзарб масалалардан бири — допингнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган нормалар ўз ифодасини топгани яна бир аҳамиятли жиҳатдир.

Мухтасар айтганда, яқинда кучга кирган “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонун жамиятда соғлом турмушни қарор топтириш ва навқирон авлодни баркамол қилиб вояга етказишда муҳим ўрин тутувчи ушбу соҳани жадал суръатда тараққий эттиришга хизмат қилади. Ҳар томонлама пухта, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принципларига тўла жавоб берадиган ушбу Қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари устуворлигининг яна бир тасдиғидир. Унинг ижросига эса барчамиз бирдек дахлдормиз. Зеро, соғлом турмуш спортга ошно бўлиб, уни кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришни ва фарзандларимизнинг жисмоний тарбиясига масъулият билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Айнан жисмоний тарбия ва спорт соғлом ҳаётнинг, соғлом келажакнинг гарови ҳисобланади.

**Зайниддин НИЗАМХОДЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

Маҳаллийлаштириш:

# ИМКОНИЯТ ВА САМАРА

*Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.*

## АНЖУМАН

Шу боис мамлакатимизда маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйишга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада иқтисодий мустақиллигимиз мустаҳкамланиб, ички бозор юқори сифатли товарлар билан тўлдирилаяпти.

Маҳаллийлаштириш дастури ижросига саноатнинг барча тармоғи, хусусан, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси тизимидаги хўжалик юритувчи субъектлар кенг жалб этилган. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда улар томонидан амалиётга татбиқ қилинаётган истиқболли лойиҳалар ва кутилаётган самаралар ҳақида сўз юритилди.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2014 йил 4 февралдаги “2014 — 2016 йилларда тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарори тизимида маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Ушбу ҳужжатга биноан, Маҳаллийлаштириш дастурига биргина 2015 йилда умумий қиймати 68 миллиард 892 миллион сўмлик амалдаги 13 та лойиҳа киритилди.

Компания мутахассисларининг айтишича, мазкур ҳаётий дастур ташқи омилларга боғлиқлигимизни камайтириш, ички талабни шакллантириш, бозорларимизни зарур бутловчи маҳсулотлар билан тўлдириш, валюта ресурсларини тежаш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Компания тизимида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил равишда ўсиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Гап шундаки, 2015 йилнинг биринчи ярмида 20 та лойиҳа доирасида 28 миллиард 698,4 миллион сўмлик янги турдаги маҳсулотлар тайёрланиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 65,1 фоиз ўсишга эришилди. Маҳаллийлаштирилган бундай маҳсулотларнинг салмоқли қисми экспорт қилинаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Айни шу кунларда тизимда яна бешта истиқболли лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Улар амалиётга жорий этилгач, Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳалар сони 30 тага етади. Пировардида йил охирига қадар умумий қиймати 87 миллиард 793,3 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрланади.

Анжуманда, шунингдек, келгуси йилда ишлаб чиқариш ўзлаштириладиган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЗАМОНАВИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

## мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шуниси эътиборлики, ушбу янги қурилиш маҳсулотининг сифати ниҳоятда юқори бўлиб, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради. Қолаверса, унинг нархи турдошларига нисбатан анча арзон.

— Бунинг асосий сабаби, корхонамизга Германияда ишлаб чиқарилган энг замонавий технологиялар асосида ишловчи, қуруқ усулда цемент олишга мослашган ускуналар ўрнатилганидир, — дейди заводнинг режалаштириш ва иқтисод бўлими бошлиғи Сирожиддин Қоржовов. — Қолаверса, цемент ишлаб чиқариш учун керак бўлган энг асосий хом ашё — оҳактош бор-йўғи бир ярим чақирим наридаги Балиқлитоғдан қазиб келтирилаяпти. Соз тупроқни эса 7 чақирим узоқликдаги маскандан олаяпмиз. Бу эса маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил бўлаяпти.

Ҳисоб-китобларга қараганда, Балиқлитоғнинг корхона учун ажратиб берилган қисмидаги оҳактош захираси камида 150 йилга етар экан. Яқинда яна бир янги кон топилди. Заводдан 20 километр узоқликда бўлган ушбу хом ашё захираси фойдаланишга топширилгач, сарф-харажат янада камайиб, маҳсулот таннархи арзонлашади, ишлаб чиқариш ҳажми эса ошади.

Жиззах цемент заводида айни пайтда ишлаб чиқариш қувватларини ошириш чоралари ҳам кўрилмоқда. Яъни хорижлик бунёдкорлар томонидан корхона янада кенгайтирилаяпти. Устувор режага кўра, у 2016 йилнинг биринчи ярмида ниҳоясига етказилиши кўзда тутилган. Натижада қарийб 100 та иш ўрни очилиб, корхона ишчи-ходимларининг сони 600 нафардан ошади.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қайд этилганидек, Олий суд Пленуми томонидан демократик ислоҳотлар жараёнида қабул қилинаётган қонунларнинг амалиётда тўғри қўлланилишини таъминлаш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш, ишларни кўришда юзага келаётган тушунмовчиликларни бартараф этиш юзасидан муайян чора-тадбирлар олиб борилмоқда. “Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

# Олий суд Пленуми мажлиси

Жиноят қонунчилиги либераллаштирилиши, ярашув институти жорий этилиши, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари асосида амнистия актлари қўлланиб келинаётгани, умуман, амалга оширилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари туфайли мамлакатимизда судланганлик ҳолати йилдан-йилга камайишига эришилмоқда. Буни 2014 йилда судланганлар сони 2001 йилдагига таққослаганда 23 фоиз камайгани ҳам тасдиқлайди.

Маълумки, судланганлик ҳолати жазо тайинланган суд ҳукми қонуний кучга киргандан бошлаб, у тугалланган ёки олиб ташланган пайтгача давом этади. Айни чоғда судланганлик ҳолати тугалланмагани ва олиб ташланмагани қатор жиноят-ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Шахс судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган пайтда жиноят содир этса, жавобгарлик кучайтирилишига олиб келади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Олий суд Пленуми қарори лойиҳасида судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган пайтдан эътиборан шахс судланмаган ҳисобланиши, яъни ушбу шахс томонидан жиноят содир этилгани факти ва унинг учун судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар қатъиян бекор қилиниши назарда тутилмоқда. Бу ҳужжатда суд ва дастлабки терговь амалиётида судланганлик ҳолати тугалланиш муддатини ҳисоблаш, унинг тўхталиши, судланганлик ҳолатини олиб ташлаш тартиби ва механизмига тааллуқли масалаларга ҳам тушунтириш берилган.

Тадбирда иккинчи қарор лойиҳаси бўйича атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Эътироф этилганидек, юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ушбу йўналишда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги ҳамда “Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Хусусан, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунда соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши, аҳоли барча қатлами тиббий ёрдамдан баҳраманд бўлиши, профилактика чора-тадбирларининг устунлиги ҳамда соғлиғини йўқотган тақдирда фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилиниши алоҳида белгилаб қўйилган.

Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан эса шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг стационарда ётиш муддатини узайтириш, шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги фуқаролик ишларини алоҳида иш юритиш тартибида кўриш назарда тутилган. Ана шу норма талаблари асосида Олий суд Пленумининг “Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қарор лойиҳасида бундай тоифадаги ишлар тиббий муассаса жойлашган ердаги ёки шахснинг яшаш (турар) жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлар судловига тааллуқлилиги, аризалар ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиниши фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатларининг бири экани, стационарга ётқизилаётган шахснинг қонуний вакили ва стационарга ётқизиш асослари тўғрисида хулоса берган комиссия таркибидаги шифокор психиатр, прокурор, шунингдек, шахс ётган психиатрия муассасаси вакили иштирокида кўриб чиқилиши каби қатор масалалар ўз аксини топган.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И. Абдуллаев иштирок этди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МЕҲР-МУРУВВАТ, ЮКСАК ЭҲТИРОМ

## жойларда бўлиб ўтаётган тадбирларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда

*Мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурининг изчил амалга оширилиши ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар хайрли тадбирларда амалий ифодасини топиши баробарида, юртимизда ёши улуғ инсонларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барча шарт-шароитни яратиш билан боғлиқ кенг кўламли ва манзилли ишларнинг бир қисмига айланмоқда.*

## КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Кекса авлод вакилларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда жамоатчиликнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки муҳим ўрин тутади. Зотан, жамиятда кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш фазилатини юксалтириш, ота-оналарга, ёлғиз қарияларга ва бошқа эҳтиёжманд қатлам вакилларига ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мазкур Дастурда асосий вазифалардан этиб белгиланган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ҳамда давлат ташкилотлари томонидан “Кексаси бор хонадон — файзли хонадон” ҳамда “Кексаларнинг дуосини олайлик” номи остида ўтказилаётган акциялар ҳам нуронийларнинг турмуш сифати ва даражасини ошириш, бунинг учун барча қулайликни яратишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда ёши улуғ инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда нодавлат тузилмаларнинг кенг иштирокини таъминлаш назарда тутилган.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муҳокамасида фаол иштирок этмоқда. Шунга мутаносиб равишда қарияларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, фахрийларга, эҳтиёжманд инсонларга кўрсатиладиган тиббий, ижтимоий хизматларнинг сифатини яхшилаш, кексаларнинг турмуши ва дам олишини ташкил этиш тизимини янги босқичга кўтариш ишлари самарадорлиги оширилмоқда.

Акциялар давомида жойларда семинарлар, давра суҳбатлари, фахрийлар ва ёшларнинг учрашувлари уюштирилмоқда. Хусусан, Наманган вилоятида “Ўзбекистон халқининг маънавий-ахлоқий ва тарихий-маданий бойлиги — жамиятда кексаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш маданияти шаклланишининг муҳим омили” мавзуида ўтказилган семинарда қарияларга беғараз хизмат ва ёрдам кўрсатиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини ташкиллаштиришда жойлардаги нодавлат нотижорат ташкилотларини янада фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

— Наманган вилоятида 266 минг нафардан зиёд пенсионер истиқомат қилади, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг Наманган вилояти бўлими раҳбари Н. Садриддинов. — Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари 146 нафарни ташкил этади. Юз ёшдан ошганлар ҳам 100 нафардан зиёддир. Фондимиз томонидан уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиниб, байрамларда совға-саломлар билан йўқлаш анъана тусини олган. Барча эҳтиёжмандларга моддий кўмак берилмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кексаларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш ишларини изчил олиб бормоқда. Нуроний отахон ва онахонларга доимий ғамхўрлик кўрсатишда бутун жамиятнинг иштироки зарурдир. Бунинг учун жамоат ташкилотлари давлат органлари билан ҳамкорликдаги тушунтириш ва тарбиявий ишлар салмоғини ошириши керак. Ўйлаймизки, бу ўзининг ижобий самарасини беради.

Сурхондарё вилоятида ўтган акциялар кекса ва ёш авлод учрашувлари, мавзуга оид кўргазмалар, Мурувват уйида яшовчилар ҳамда ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олишдек хайрли тадбирлар билан янада мазмунли кечди.

— Ҳудудимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ижросига нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам кенг жалб қилинган, — дейди Сурхондарё вилоятидаги Ёшларни касбга йўналтириш маркази раҳбари М. Солиева. — Бугунги кунда ижтимоий шериклик асосида қарияларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни кекса авлодга ҳурмат руҳида тарбиялашга йўналтирилган қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Жорий йилда марказимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг грантини қўлга киритди. Лойиҳага кўра, вилоятдаги ўн еттита мактабда, еттита касб-ҳунар коллежи ва саккиз маҳаллада икки авлод учрашувларини ўтказишни режалаштирганмиз. Ушбу тадбирларда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари иштирок этади. Бундан ташқари, бизнинг фаолларимиз ёлғиз кексаларнинг уйига бориб, рўзғор юмушларига ёрдамлашмоқда, улар билан ҳамсуҳбат бўлиб, кўнгилларини кўтармоқда. Ўйлайманки, барчамизнинг бундай хайрли ишларга, яқинларимизга эътиборли бўлиш, улар билан дилдан суҳбатлашиш, бахоли қудрат кўмаклашишга вақт ажратишимиз айни муддао.

Акциялар доирасида мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан эл-юрт равнақига ўз улушини қўшган кекса авлод вакилларини алоҳида қутлаш тантаналари ҳам ўтказилди.

Жумладан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида Оролбўйининг турли ҳудудларидан келган юздан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари жам бўлди.

— Меҳмонлар орасида яқинда тўқсон ёшини нишонлаган табаррук инсонлар ҳам бор эди. Урушда тобланган бу кексалар мамлакат ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Уларнинг ҳаёти ёшлар учун ибрат мактабидир. Бунёдкорлик ишларини нуронийлар дуоси билан бошлашда ҳикмат кўп, — дейди “Нуроний” жамғармасининг Қорақалпоғистон бўлими раҳбари Ш. Уснатдинов.

Худойберган Ҳожаметов мазкур тадбирга Қўнғирот туманидан ташриф буюрди. Улуғ ёшда бўлишига қарамай, у жамият ҳаётида фаол бўлишга интилади, кекса ёшдаги инсонлар иштирокида ўтадиган тадбирларда доимо қатнашади.

— Озод ва обод юртда яшаётганимдан, шундай ёруғ кунларга етганимдан бахтиёрман, — дейди тўқсон ёшли оқсоқол. — Бизларга кўрсатилаётган ғамхўрлик умримизга умр, кучимизга куч қўшади.

Юртимизда меҳр-мурувватга йўғрилган акциялар давом этаяпти. Ижтимоий ҳимояни таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришга доир долзарб масалалар муҳокамаси, аҳамиятга молик мазкур лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кексаларни эъзозлашдек олижаноб бурчни адо этишда давлат ва жамият кучларини бирдек сафарбар қилишнинг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Интерфаол тақдимотлар, қизғин мулоқотлар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, Тошкент шаҳрида ташкил этилган конференцияда ахборот хавфсизлиги масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Унда дунёдаги етакчи ахборот хавфсизлиги тизимлари ишлаб чиқувчилари, олим ва мутахассислар, вазирликлар, идоралар ва саноат корхоналари вакиллари қатнашди. Тадбирда иштирокчилар томонидан қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди. Ахборот хавфсизлиги аудити, эҳтимолий хатарларни бошқариш, ахборот тизимлари, ресурслар ва шахсий маълумотлар ҳимоясини таъминлаш каби масалалар шулар жумласидандир.

Давлат органларининг ахборот тизимларини ҳимоя қилишга йўналтирилган техник ечимлар ва дастурий таъминотлар тақдимотлари мутахассислар эътиборини тортди. Жаҳонга машҳур "Intel" ва "Huawei" каби компаниялар, шунингдек, Халқаро электр алоқаси иттифоқи ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ўз ишланмаларини тақдим этди. Иштирокчилар кибержиноятчиликка қарши кураш, эҳтимолий киберҳужумлар профилактикаси ва уларнинг асоратларини бартараф этиш бўйича илғор тажриба ҳамда усуллар билан танишди.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги — ахборот олишда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи таъминланишининг муҳим кафолати: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуидаги халқаро конференция ҳам долзарблиги билан диққатга моликдир. Унда қатнашган хорижлик эксперт ва мутахассислар Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ахборот соҳасини демократлаштириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар юқори самара бераётганини қайд этишди.



Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Шу ўринда ҳафталикнинг йирик анжуманларидан бири "ICTExpo — 2015" халқаро кўргазмасига ҳам тўхталиб ўтсак. Ушбу тадбир, мана, ўн йилдирки, халқаро IT-соҳаси, тадбиркорлик доиралари ва илм-фан жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланмоқда. Сўнгги йилларда кўргазма иштирокчиларининг сони икки баробар ошди. Пировардида у ахборот технологиялари соҳасида миллий ва халқаро ютуқлар намойиш этиладиган, мутахассислар, экспертлар учрашадиган, мулоқот қиладиган нуфузли майдон, қолаверса, оддий АКТ фойдаланувчиси ҳамда ишлаб чиқарувчининг ўзаро фикр алмашиш имконини берадиган йирик форумга айланди. Мамлакатимизда АКТдан фойдаланиш бўйича минтақавий даражанинг ўсиб бораётгани боис кўргазма, анъанага кўра, тармоқли кўринишда ташкил этилиб, бир вақтнинг ўзида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилди.

Маълумки, айни пайтда жамиятнинг ривожланишини "электрон ҳукумат" тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу жиҳатдан республикамизда мазкур йўналишни тараққий топтириш бўйича муҳим ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бу йилги кўргазмада олдингиларидан фарқли равишда алоҳида секцияларда "электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, хусусан, давлат бошқаруви органлари томонидан аҳолига, тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив хизматлар намойиш этилди.

Ўз навбатида, кўргазмада дастурий таъминот бозорида фаолият юритаётган 40 та кичик тадбиркорлик субъекти учун алоҳида бўлимлар ташкил этилди. Унда юртимизда ишлаб чиқарилаётган янги дастурий маҳсулотлар билан танишиш имконияти яратилди.

"ICTExpo — 2015"да Тошкент шаҳрининг ўзида 1,5 минг кв. метрдан ортиқ ҳудудда маҳаллий ҳамда халқаро IT-бозорининг 120 дан ортиқ, Самарқанд шаҳрида эса 500 кв. метрга яқин ҳудудда 50 та етакчи компания томонидан соҳада кўрсатилаётган хизматлар, замонавий технология ҳамда ишланмалар намойиш қилинди. Уч кун давомида кўргазмаларга 30 мингдан зиёд киши ташриф буюрди.

Кеча ҳафталик доирасида пойтахтимизда халқаро саммит ташкил этилди. Унда "АКТ давлат секторида", "АКТ — бизнесда" "Интернет ва ахборот ресурслари" каби йўналишлар бўйича маърузалар тингланди. Ялпи ҳамда шўъба йиғилишларида юқори технологиялар бозорининг етакчи экспертлари, давлат органлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз ҳамда чет эл IT-компаниялари раҳбарлари ва мутахассислари ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиёт ҳамда жамият ҳаётининг турли жабҳаларига жорий қилишга доир долзарб масалаларни муҳокама этди. IT-саноати стратегиялари ва уни ривожлантириш, технология ҳамда инфратузилмаларни такомиллаштириш, янги илова ва ечимлар ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилди.

Ниҳоясига етган "ICTweek Uzbekistan — 2015" ҳафталиги ахборот-коммуникация технологиялари бозорини таҳлил қилиш, бу борадаги сўнгги ютуқлар билан танишиш, ҳамкорликни ривожлантириш, пировардида мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини жадал тараққий эттиришга хизмат қилиши билан муҳим ўрин тутади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ,

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 15 сентябрдаги 19-03-22-05-ЎзР-91-2015-сонли нархларни рўйхатга олиш реестрига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси улгуржи истеъмолчиларига (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналарига) етказиб бериладиган табиий газ нархи, 2015 йил 1 октябрдан ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда,*
**1000 куб метри учун 208 920 сўм**
*қилиб белгиланди.*

ЭСЛАТМА:

1. *Табиий газ калория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади.*
2. *Улгуржи истеъмолчиларга (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналарига) табиий газнинг улгуржи нархи, унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар, ягона ҳисобланади.*
3. *Мазкур реестр кучга кириши билан улгуржи истеъмолчилар (шу жумладан, иссиқлик таъминоти корхоналари) учун амал қилувчи 2015 йил 1 майдаги 19-03-22-05-ЎзР-31-2015-сонли реестр ўз кучини йўқотади.*

1385-1R/672

ЭЪЛОНЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2015 йил 15 сентябрдаги № 19-03-22-05-ЎзР-92-2015-сонли реестри ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ЧАКАНА НАРХЛАР

**2015 йил 1 октябрдан жорий этилади.**

### УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Ушбу прейскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга тааллуқлидир.
2. Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан уй ва квартираларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган.

   Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан иситиш мавсуми беш ойдан ортиқ ёки кам қилиб белгиланган тақдирда, газдан фойдаланганлик учун истеъмолчилар билан тегишли тарзда ҳисоб-китоб қилинади.
3. Истеъмолчи(абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситкич бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади.
4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй(квартира)ларда фойдаланилган газ учун тўловлар ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прейскурантда белгиланган тариф бўйича тўланади.
5. Фойдаланилган газ учун тўлов миқдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан, вақтинча яшаётганлар ҳам ҳисобга олинади.
6. Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали ҳажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлаклар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади.
7. Прейскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

   Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 куб метр қилиб белгиланган.

   Хоналарни меъёрда белгиланган ҳажмда (43 $м^3$/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажм учун эса бир ярим баробар миқдорида тўланади.
8. Автоном сув иситкич ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ҳамда оранжереяларни иситиш, якка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида тандир, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечаю кундуз ишлаган газ ёқиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсуми учун тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади.
9. Ушбу прейскурантнинг «Умумий кўрсатмалари», агар қўшимча прейскурантда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прейскурантларга ҳам тегишлидир.
10. Мазкур чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган (2015 йил 1 май, реестр № 19-03-22-05-ЎзР-32-2015) нархлар ўрнига 2015 йил 1 октябрдан жорий этилади.

### 1. АҲОЛИ ТОМОНИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ТАБИИЙ ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР *)

| Т/р | Номи | Стандарт ёки ТУ | Ўлчов бирлиги | Ўлчов бирлиги тарифи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1.1 | Газ ўлчагичи бор аҳолига етказиб бериладиган газ | ГОСТ 5542-87 | 10 $м^3$ | 2 089,20 |
| 1.2 | Газ ўлчагичи йўқ аҳолига етказиб бериладиган газ: | | | |
| | овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун | -"- | 10 $м^3$ | 3 612,95 |
| | иситиш учун | -"- | 10 $м^3$ | 1 675,55 |

### 2. ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ ЙЎҚ ҲОЛАТДА КОММУНАЛ-РЎЗҒОР ЭҲТИЁЖЛАРИГА ИШЛАТИЛАДИГАН ГАЗ УЧУН ТАРИФЛАР (ГОСТ 5542-87)

| Т/р | Истеъмолчи тавсифи | Ўлчов бирлиги | Тариф бўйича тўловлар | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Йиллик *): | Ойлик |
| 2.1 | Марказий (якка) иссиқ сув таъминоти бор уйларда овқат пишириш газ плиталари | Бир яшовчидан 11,0 $м^3$ | 47 691,00 | 3 974,25 |
| 2.2 | Газда сув иситиш ускунаси ҳамда марказий иссиқ сув таъминоти йўқ уйларда овқат пишириш газ плиталари | -"- 15,0 $м^3$ | 65 033,40 | 5 419,45 |
| 2.3 | Марказий иссиқ сув таъминоти бўлмаган ёки вақти-вақти билан ишлайдиган иссиқ сув таъминоти бор уйларни иссиқ сув билан таъминлаш учун газли иситкичлар | -"- 16 $м^3$ | 69 368,40 | 5 780,70 |
| 2.4 | Иситиш газ ускуналари туридан қатъи назар, уй ва квартираларни беш ойлик иситиш мавсуми давомида иситишда газдан фойдаланганлик учун ойига: | Иситиладиган хонанинг 1 $м^3$ учун | | |
| | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | Хонанинг 1 $м^3$ учун 6,0 $м^3$ | 5 026,70 | 1 055,34 |
| | Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятларда | Хонанинг 1 $м^3$ учун 5,76 $м^3$ | 4 825,50 | 965,10 |
| 2.5 | Дағал ва илдизмевали озуқаларни буғлаш ҳамда ичириш ва санитария мақсадлари учун сув иситишни ҳисобга олган ҳолда, ҳайвонларга озуқа тайёрлаш | отга 5,6 $м^3$ | 24 279,00 | 2 023,25 |
| | | сигирга 23,7 $м^3$ | 102 752,40 | 8 562,70 |
| | | қўй (эчки)га 2,2 $м^3$ | 9 538,20 | 794,85 |
| | | чўчқага 12,5 $м^3$ | 54 194,40 | 4 516,20 |

***) Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.**

1385-2R/672

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
## ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 18 августдаги № 161 (6344)-сони, «Народное слово» газетасининг 2015 йил 18 августдаги № 161 (6314)-сони ҳамда «Маърифат» газетасининг 2015 йил 15 августдаги № 65 (8818)-сонида 2015 йилда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув лаборатория жиҳозлари, компьютер техникалари, ўқув ишлаб чиқариш устахоналарига ускуна ва дастгоҳларни харид қилиш ва таълим муассасаларига ўрнатиш бўйича тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида берилган эълонга мувофиқ, қуйидаги лотлар бўйича тендер таклифларини тақдим этиш муддати жорий йилнинг 28 сентябригача узайтирилганлигини эълон қилади.

Лот № 1. Компьютер синфи учун компьютер техникалари
Лот № 2. Ахборот-ресурс маркази учун компьютер техникалари
Лот № 18. Ўқув лаборатория жиҳозлари

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органнинг қуйидаги махсус ҳисоб-рақамига ҳар бир лот учун алоҳида 650 000 (олти юз эллик минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт.

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг реквизитлари:**

Молия вазирлиги ғазначилиги
ҳ/р 23402000300100001010, ш/ҳв 400110860262807950100028001, ХККМ Марказий банк бош бошқармаси, МФО 00014, ОКОНХ 92120, ИНН Ғазначилик 201122919, ИНН ЎМКХТ маркази 202515618
100095, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, тел. (0-371) 246-12-40, факс: (0-371) 246-12-74.
E-mail: sspo_taminot@markaz.uz

Шунингдек, қўшимча маълумотларни ҳамда харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори нархлари ҳақидаги қўшимча маълумотларни эълон чиққан кундан бошлаб Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази www.markaz.uz электрон сайтидан олишлари мумкин.

Тендер таклифлари тендер комиссиясининг ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2015 йил 28 сентябрь соат 18.00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

**Тендер таклифлари (конверт)нинг очилиши тендер комиссияси томонидан амалга оширилади ҳамда бу ҳақда ишчи органи томонидан талабгорларга хабар юборилади.**
**Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этиши мумкин.**

1401A/680

## «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**2015 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

● Термиз шаҳар СИБ томонидан АТ «Халқ банки» Термиз шаҳар филиалида сақланаётган, ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2013 йил 3 декабрдаги 1-365-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Epica» русумли, давлат рақами 75 V 175 AA.

***Бошланғич баҳоси — 69 120 000 сўм.***

● Қизириқ тумани СИБ томонидан ЖИБ Қизириқ тумани судининг 2015 йил 21 июлдаги 1-326-сонли ижро варақасига асосан хатланган, АТ «Агробанк» Қизириқ филиали ҳовлисида сақланаётган:

● 2007 йилда ишлаб чиқарилган «ТТЗ-80.11» русумли трактор, давлат рақамисиз.

***Бошланғич баҳоси — 18 400 000 сўм.***

● 1991 йилда ишлаб чиқарилган, «Ford siera» русумли, давлат рақами 75 F 815 CA.

***Бошланғич баҳоси — 10 691 248 сўм.***

● Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 29 декабрдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ Lacetti» русумли, давлат рақами 75 033 FAA.

***Бошланғич баҳоси — 37 300 000 сўм.***

**2015 йил 5 октябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Узун тумани СИБ томонидан хатланган, ЖИБ Узун тумани суди ҳовлисида ва Узун тумани ИИБда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

● Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 29 июлдаги 19-1404/8206-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Damas STD 150» русумли, давлат рақами 75 497 CAA.

***Бошланғич баҳоси — 18 327 909 сўм.***

● Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 21 октябрдаги 19-1301/2471-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz Best» русумли, давлат рақами 75 P 063 CA.

***Бошланғич баҳоси — 13 642 468 сўм.***

● ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 11 июндаги 1-197-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ВАЗ-21013» русумли, давлат рақами 75 U 498 DA.

***Бошланғич баҳоси — 2 926 553 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2015 йил 5 октябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2015 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 20 октябрдаги аукцион савдосига — 2015 йил 16 октябрь куни ва 2015 йил 5 октябрдаги аукцион савдосига — 2015 йил 2 октябрь куни соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

1405A/33

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил:**
**Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси.**
**Мурожаат учун телефон: (+99876) 223-25-55.**

**Гувоҳнома № 004059.**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти жамоаси Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси Ойбек Давлатовга падари бузруквори

**ҒАНИЖОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси катта илмий ходим-изланувчи Саодат Насимовага волидаи муҳтарамаси

**Зуҳра ая ЗИЯМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



*Эзгулик — умр зийнати. Вақт эса — бебаҳо неъмат. Шундай экан, ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқаси бизни хайрли ишларга йўлдош бўлиб яшашга ундайди. Қувонарлиси, бундай эзгу амаллар, аввало, давлатимизнинг кексаларга эъзоз-эҳтиром кўрсатишга доир сиёсатида яққол намоён бўлмоқда. Зеро, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она-юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ҳамда ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар боболаримиз ва момоларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш дунёдаги энг улуғ, энг савобли ишдир.*

# Умр зийнати

## 2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Айтиш керакки, республикамизнинг чекка ҳудудларидан ҳисобланмиш Узун туманида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, бу ерда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётир. Чунончи, "Нуроний" жамғармасининг туман бўлинмаси раиси Нусратулло Шоймардоновнинг айтишича, айни пайтда Узунда ўн саккиз нафар юз билан юзлашган отахон ва онахон истиқомат қилмоқда. Хонадонлар файзу фариштаси бўлган ана шу табаррук ёшли кексаларни тумандаги турли ташкилот ва муассасалар вакиллари, маҳалладошлари, қўни-қўшнилари тез-тез йўқлаб, дуосини олишмоқда. Ибратли ҳаёт йўли билан танишиб, панду насиҳатларини тинглаб, бугунги дориламон кунларимизга шукрона айтиб яшаш зарурлигини дилдан ҳис қилмоқдалар.

Истиқлол маҳалласида яшовчи, бир юз беш баҳорни қаршилаган Омон бобо Қўзиев — шундай пиру бадавлат инсонлардан бири.

— Туманимиз уч томондан пурвиқор тоғлар билан ўралган, — дейди бобо. — Бу ернинг ҳавоси мусаффо, суви зилол, табиати бетакрор. Мазали сутқатиқнинг кони. Сархил неъматлари — таннинг малҳами. Энг муҳими, тинч ва осойишта юртимизда фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Узоқ умр кўришнинг сири ҳам шунда, аслида! Қолаверса, меҳнат одамни яшартиради. Кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади. Биз доимо дуога қўл очганда Ватанимизга омонлик, хотиржамлик сўраймиз.

Дарҳақиқат, уруш кўрган, унинг захматини чеккан инсонлар бугунги осойишталик қадрини яхши англайдилар. Бошқаларни ҳам шунга ўргатадилар. Омон бобо — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Фронтдан қолган жароҳати йиллар ўтиб унутилган бўлса-да, аммо қалб яраси тузалмайди. Ўша давр қийинчиликларини ёдидан чиқаролмайди. Шунда ҳозирги мустақил тараққиёт йўлимиз қадр-қиммати, мазмун-моҳияти кўзга янада теран ташланади. Фарзандлари, 70 га яқин невараю чеваралари онгу шуурига кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни ҳаётий мисоллар орқали сингдиришга ҳаракат қилади.

— Кексаларимиз — бизнинг бойлигимиз, — дейди Узун тумани тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси раиси Ҳамроқул Бойбеков. — Уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турибмиз. Саломатлиги — доимий назоратимизда. Жорий йилда нуронийларимизни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказдик. Уй шароитида ёки стационарда даволанишлари учун шароитлар яратилди.

— Умримнинг навқирон паллалари машаққатда ўтган, — дейди Янги рўзғор маҳалласида яшовчи 101 ёшли Давлатой момо Тўғанова. — Қаранг, тонг отгандан то қош қорайгунча даладан бери келмабмиз. Ўша пайтларда колхоз берадиган бир коса аталадан қуруқ қолмайлик, деб кечаю кундуз тиним билмадик. Узундан ҳар куни пахта даласигача 25 — 30 чақирим масофани пиёда босиб ўтганимизни эсласам, этим жимирлаб кетади.

Давлатой момо икки букилибгина юради. Шу ҳолида ҳам тинмайди. Суҳбат асносида ҳовлига бўй таратиб турган гуллар, райҳонларни кўрсатиб, "Барини ўзим экканман, гулларни яхши кўраман-да", деб қўшиб ҳам қўяди.

Онахондан узоқ умр кўриш сирларини сўраймиз. Момо табассум қилади. Қоматини тик тутишга уриниб, гапга оғиз жуфтлайди:

— Бир-икки тумов бўлганимни айтмасам, шукр, кўрпа-тўшак қилиб уйда ёки касалхонада ётиб қолганим йўқ, айланай. Уй-рўзғор, томорқа юмушлари, бола-чақа ташвиши билан бўлиб, умр ўтганини ҳам билмай қолибман. Ҳаммасининг тагида меҳнат ётибди. Ҳозир эъзоз-эҳтиромдаман. Байрамларда йўқлашади. Давраларнинг тўрига ўтқазишади. Дўхтирларимиз уйма-уй юриб, саломатлигимизни сўраб туришади. Бир пайтлар даладан оқшом маҳали мадоримиз кетиб қайтсак-да, томорқа ишларини ҳам саранжомлашга тўғри келарди. Лекин биримиз икки бўлмасди. Мана, шукрки, ўз томорқангда меҳнат қилиб, бой бўладиган кунларга ҳам етиб келдик. Давлатимиз тадбиркорларга барча йўлларни очиб қўйди. Ҳозир ўғил-қизларимнинг дўконлари бор. Тижорат билан шуғулланишаяпти. Ўзлари яхшигина даромад топиб, 4-5 маҳалладошларини ишли ҳам қилишди. Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдормиз. Илоҳим, умрлари узоқ бўлсин. Бизга ўхшаб ёшлари юзлардан ошиб юрсин.

Шукроналик ҳислари билан йўғрилган бундай самимий дил сўзларини Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи 114 ёшли Ҳикоят Бобоева, Обизаранг қишлоғилик 101 ёшли Санам Ризаева, Ўланқул маҳалласидан 105 ёшли Қизларой Сапарова, жончеккалик 110 ёшли Анор Воҳидова сингари момолар билан суҳбатлашганимизда ҳам такрор-такрор эшитдик. Зеро, дунёнинг, тирикликнинг юкига юз йил елка тутиб, ҳаётнинг аччиқ-чучуги, баланд-пастига, тақдирнинг турли зарбаларига бардош бериб яшаш осон эмас. Ушбу саодатли кунларга етиб келган узунлик отахону онахонлар юртимизнинг ободлиги, фарзанду набиралари бахт-иқболини тилаб, ҳамиша дуога қўл очишади. Энг асосийси, кексаларимиз ўтаётган ҳар бир кунидан рози. Давлатимиз, Юртбошимизнинг ғамхўрлигидан мамнун. Бундай ҳурмат-эҳтиром ҳаётига файз киритаётганини, умрига умр қўшаётганини қувонч билан таъкидлашади.

— Юз билан юзлашаяпман, — дейди Жончекка қишлоғилик Бибихол момо. — Ҳаётимнинг кейинги йигирма тўрт йили чинакам роҳат-фароғатда ўтаяпти. Бу кунларнинг қадрига етиш керак. Ахир мустақиллик осмондан тушгани йўқ. У бебаҳо неъмат. Шундай экан, истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш — муқаддас бурчимиз. Биз, нуронийлар, буни ёшларга тушунтиришимиз керак.

Халқимизда олтин олма, дуо ол, деган нақл бор. Зотан, кексалар дуосида ҳикмат кўп. Бу эса ҳар биримизни нуроний отахону онахонларга ҳамиша қўлимиздан келганича меҳр-эътибор кўрсатиб яшашга даъват этади.

**Сафар КОКИЛОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

Халқ сўзи — Народное слово — ТАНЛОВИГА

# Ёш оилаларга — янги уй-жойлар

*Юртимизда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш борасида кенг кўламли тадбирлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди.*

## ҒАМХЎРЛИК



Навқирон авлод вакилларига кўрсатилаётган бундай эътибор уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига мустаҳкам замин ҳозирламоқда. Хусусан, айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида жойларда "Камолот" уйлари бунёд этилаётир.

Ўтган қисқа муддатда Фарғона вилоятининг Учкўприк, Тошлоқ туманлари ҳамда Қувасой шаҳри марказида жами 131 хонадонга мўлжалланган шундай муҳташам кўп қаватли тураржой бинолари фойдаланишга топширилди.

— Кексаю ёш бирдай эъзоз-эътиборда яшаётган азиз юрт фарзанди эканимдан жуда фахрланаман, — дейди Қувасой шаҳридаги "Кварц" акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш цехи механиги Соҳибжон Мелибоев. — Яқинда спорт соҳасида эришган ютуқларим ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаоллигим инобатга олиниб, оиламизга шаҳримиз марказида қад ростлаган "Камолот" уйидан хонадон ажратилди. Бу ердаги шарт-шароитларни кўриб, жуда қувондик. Дарвоқе, фарзандимиз ҳам янги уйга кўчиб ўтганимиздан кейин дунёга келди. Қизимизга яхши ниятлар билан Гулюзхон деб исм қўйдик. Ҳар куни ишимни тугатганимдан сўнг оилам бағрига ошиқаман. Шунда тинч ва осуда, фаровон ҳаёт завқидан шукроналик туяман.

Айни пайтда вилоятнинг Фарғона, Марғилон ва Қўқон шаҳарларида ҳам "Камолот" уйлари бунёд этилмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муаллиф олган сурат.

ЭЪЛОНЛАР


**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**
**Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти**

**катта илмий ходимлар-изланувчиларни қуйидаги мутахассислик бўйича 2016 йил 1-босқичга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тайёрлаш учун қабул қилади:**

- **14.00.07 - Гигиена — 2 ўрин.**

Ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ариза, маълумотнома, меҳнат дафтарчаси нусхаси, магистратура дипломи ёки фан номзоди дипломи, шунингдек, магистр даражаси жорий этилгунгача олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси, тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси, илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида 3 та), тезислар рўйхати (камида 2 та), шунингдек, уларнинг нусхалари, талабгорнинг илмий ва илмий тадқиқот фаолиятига лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжати нусхаси, етакчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

**Ҳужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.**

Талабгорлар мутахассислик, Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили бўйича кириш имтиҳонлари топширади.

Фан номзодлари кириш имтиҳонларини топширишдан озод этилади.

**Кириш имтиҳонлари 2015 йил 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади.**

Мустақил изланувчилик тартибида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти қуйидаги мутахассисликлар бўйича **2016 йил 1-босқичга** мустақил изланувчиликка қабул қилинади:

- **14.00.07 - Гигиена**
- **14.00.33 - Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент**

Мустақил изланувчиликка талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: ариза, иш жойидан тавсифнома, маълумотнома, олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси, меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, талабгорнинг илмий ва илмий тадқиқот фаолиятига лаёқати юзасидан тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжати нусхаси, илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

***Ҳужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.***
***Мустақил изланувчиликка талабгорлар мутахассислик бўйича суҳбат натижаларига кўра қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 325-уй, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти.**
**Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 266-69-54, (+99898) 360-15-06.**

1381А/660



**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

O'ZSANOATQURILISHBANK **«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ**

**очиқ тендер савдоларини эълон қилади.**

Тендер савдоларида чет эл фирмалари ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органи номи ва манзили: «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефон: (+99871) 233-11-60. Факс: (+99871) 140-70-82. E-mail: info@uzpsb.uz
2. **Тендер савдоси предмети — бренд мини компьютерлар тўпламини етказиб бериш.**
3. Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва муддатлари тендер ҳужжатларида акс эттирилган.
4. Тендер ҳужжатлари нархи хорижий ташкилотлар учун — 300 АҚШ доллари, маҳаллий ташкилотлар учун — тўланаётган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган курс бўйича тўлов амалга оширилади.
5. Тендер таклифларининг кафолат суммаси ва уни тўлаш тартиби, тендер ҳужжатлари тўлови учун банк реквизитлари юзасидан маълумотлар тендер савдолари ҳужжатларида кўрсатилган.
6. Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 20 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 18.00 гача.
7. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин.

1402R/661



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф этади. Сиз савдолардаги мавжуд давлатга тегишли ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни www.1kms.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

**Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01. Факс: (0-371) 228-80-24.**



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 31 июлдаги 2-607-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Гулистон шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 38-«А» уйда жойлашган, қурилиш майдони 1085,2 кв.м., фойдаланиш майдони 1004,94 кв.м.дан иборат бўлган «Гулистон» ресторани қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 400 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 16 октябрь куни соат 18.00.

**2.** Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 февралдаги 12-1111/921(27.1)-сонли ва 2012 йил 6 сентябрдаги 12-1206/3664(27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик уруғчилик чигит» МЧЖдан қарзини ундириш эвазига хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган, 0027-литердан иборат кўчмас мулклар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда мулкий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 2 009 522 454 сўм.***

**3.** Сирдарё тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ, Красильников кўчасида жойлашган, «Safo and marva» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар ускуналари билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 372 087 723 сўм.***

**4.** Сирдарё тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ, Красильников кўчасида жойлашган, умумий майдони 8756,16 кв.м. бўлган иссиқхона ва иситиш мосламаси билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 291 102 028 сўм.***

**5.** Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 18 апрелдаги 12-1306/2055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Янги ҳаёт» СИУ, Охунбобоев кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 1139,0 кв.м.дан иборат «Дони» хусусий фирмасига тегишли бўлган бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 466 110 031 сўм.***

**6.** Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 23 ноябрдаги 12-1207/15633-сонли ижро варақаси ва 2013 йил 31 январдаги 12-1306/1028(27.1)-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Ўзбекистон» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 6,0 гектардан иборат «Файз — 2003 йил» МЧЖга тегишли бўлган чорвачилик фермаси бино-иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 409 088 512 сўм.***

**7.** Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 1-06/303-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Пахтакор кўчасида жойлашган, майдони 1750,0 кв.м.дан иборат бўлган савдо маркази арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 350 751 067 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 6 октябрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 2 октябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона.**
**Телефон: (0-367) 226-38-91.**
**Расмий сайт: www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1404R/02



Халқ сўзи — Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 391 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5